

---

## Марғилон шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинларида ўтказилган Наврўз байрам тадбирларида ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларнинг 6 нафар фарзандларига хатна тўйлари ўтказиб берилди

Марғилон шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинларида “Наврўз” умумхалқ байрам тадбирлари давом этмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири бугун шаҳардаги “Бурҳониддин Марғилоний” ҳамда “Янги боғ” маҳалла фуқаролар йиғинларида ўтказилди.

Бир пиёла чой устида ташкил этилган байрам тадбирини шаҳар ҳокими Адҳам Зиявитдинов, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Муҳаммадjon Маҳмудовлар табрик сўзи билан очиб, тинчлик ва хотиржамлик нафаси уфуриб турган юртимизда ўтказилаётган байраму тантаналар, шунингдек баҳор фасли кириб келиши муносабати билан шаҳримизда амалга оширилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Тадбир дастури доирасида маҳаллалардаги кам таъминланган, ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларнинг 6 нафар фарзандларига хатна тўйлари ҳам ўтказиб берилди.

2022-03-26 11:46:54